

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
Қ А Р О Р И



ПОСТАНОВЛЕНИЕ  
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

27 сентябрь 2017 й.г.

№ 769

Тошкент ш. – г. Ташкент

**Тиббиёт кадрларини тайёрлашни янада  
такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 29 мартдаги ПҚ-2857-сон ва “Ўзбекистон Республикасида тиббий таълим тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 5 майдаги ПҚ-2956-сон қарорлари ижросини таъминлаш ҳамда тиббиёт ходимларининг узлуксиз касбий таълим тизимини янада такомиллаштириш, соғлиқни сақлаш тизими органлари ва муассасаларининг малакали тиббиёт кадрларига бўлган эҳтиёжини қондириш ва кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Бакалавриятнинг алоҳида таълим йўналишлари бўйича давлат гранти асосида таҳсил олган олий тиббий таълим муассасалари битирувчиларини қишлоқ врачлик пунктлари ва қишлоқ (шаҳар) оилавий поликлиникаларига ишга йўллаш тартиби тўғрисидаги Низом 1-иловага мувофиқ;

олий тиббиёт таълимининг («Соғлиқни сақлаш» таълим соҳаси) бакалаврият йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича ўқув режалари тузилмаси 2 ва 2а- иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги икки ой муддатда қуйидагиларни:

фаолият юритаётган умумий амалиёт шифокорларидан тор мутахассисликлар бўйича тиббиёт кадрларини бир йилдан кам бўлмаган муддат давомида мақсадли тайёрлаш тартиби тўғрисидаги низомни;

олий тиббий таълим муассасаларида таълим жараёнини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда, уларнинг профессор ва ўқитувчиларига педагогик юкламанинг вақт меъёрларини;

ўқув жараёнида олий тиббий таълим муассасалари клиникалари, ихтисослаштирилган, илмий-амалий, илмий-тадқиқот институтлари, илмий марказлар ва уларнинг филиаллари, республика ва вилоят клиникаларининг кувватлари ҳамда ресурсларидан максимал даражада фойдаланиш инobatга олинган ҳолда олий тиббий таълим муассасаларининг клиникалари, клиник ва ўқув базалари тўғрисидаги низомни;


Ўрта махсус, касб-хунар ва олий тиббий таълим муассасаларига қабул қилишга тўсқинлик қилувчи тиббий кўрсатмалар рўйхатини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлигининг 2017-2018 ўқув йилидан бошлаб, Тошкент тиббиёт академиясининг Фарғона филиали фаолиятини босқичма-босқич тугатиш ва талабаларга филиалда таълим олаётган йўналишлар бўйича ўқишини яқунлаш имконини бериш ҳақидаги таклифига розилик берилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири А.Қ.Шадманов зиммасига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Соғлиқни сақлаш, экология, атроф-муҳит муҳофазаси, жисмоний маданият ва спорт масалалари бўйича ахборот-таҳлил департаментига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

ўрта махсус, касб-хунар ва олий тиббий таълим муассасаларига қабул қилишга тўсқинлик қилувчи тиббий кўрсатмалар рўйхатини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлигининг 2017-2018 ўқув йилидан бошлаб, Тошкент тиббиёт академиясининг Фарғона филиали фаолиятини босқичма-босқич тугатиш ва талабаларга филиалда таълим олаётган йўналишлар бўйича ўқишини яқунлаш имконини бериш ҳақидаги таклифига розилик берилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири А.Қ.Шадманов зиммасига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Соғлиқни сақлаш, экология, атроф-муҳит муҳофазаси, жисмоний маданият ва спорт масалалари бўйича ахборот-таҳлил департаментига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**



**А. Арипов**

Вазирлар Маҳкамасининг  
2017 йил 27 сентябрдаги  
769-сон қарорига  
1-илова

**Бакалавриятнинг алоҳида таълим йўналишлари бўйича давлат гранти асосида таҳсил олган олий тиббий таълим муассасалари битирувчиларини қишлоқ врачлик пунктлари ва қишлоқ (шаҳар) оилавий поликлиникаларига ишга йўллаш тартиби тўғрисида  
Низом**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом бакалавриятнинг алоҳида таълим йўналишлари бўйича давлат гранти асосида таҳсил олган олий тиббий таълим муассасалари битирувчиларини (кейинги ўринларда битирувчилар деб аталади) қишлоқ врачлик пунктлари ва қишлоқ (шаҳар) оилавий поликлиникаларига (кейинги ўринларда ҚВП ва ОП деб аталади) ишга йўллаш тартибини белгилайди.

2. Битирувчилар 2017/2018 ўқув йилда битирганлардан бошлаб, кейинчалик доимий яшаш жойида мажбурий ишлаб бериш учун ҚВП ва ОПларга мажбурий тартибда тақсимланади.

3. Олий тиббий таълим муассасаларининг ҚВП ва ОПда мажбурий ишлаб бериш учун битирувчилар тақсимланадиган бакалаврият йўналишлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

4. Битирувчининг мажбурий ишлаб бериш муддати 3 йилни (36 ой) ташкил этади.

**2-боб. Битирувчиларни мажбурий ишлаб беришга тақсимлаш**

5. Битирувчиларни мажбурий ишлаб бериш учун тақсимлаш, шунингдек мажбурий ишлаб бериш жараёнини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида вазирлик ходимлари, соғлиқни сақлаш бошқармасининг ҳудудий органлари раҳбарлари, олий тиббий таълим муассасалари ва тиббиёт ташкилотларининг масъулиятли ходимларидан иборат Комиссия (кейин ўринларда Комиссия деб аталади) ташкил этилади.

Комиссия таркиби, шунингдек унинг фаолиятини ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

6. Битирувчилар мажбурий ишлаб бериши учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари тақдим этган шифокор кадрларга бўлган эҳтиёж тўғрисида буюртманомалар ва мавжуд бўш иш ўринлари ҳақида маълумотлар асосида Комиссия томонидан ҳар йили тақсимланади.

Комиссия битирувчиларни доимий яшаш жойидаги ҚВП ва ОПдаги мавжуд бўш ўринларига мажбурий ишлаб бериш учун тақсимлайди.

7. Битирувчиларнинг мажбурий ишлаб беришининг аниқ муддатлари, жойи ва шароитлари, шунингдек уларнинг мажбуриятлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, олий тиббий таълим муассасаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳамда битирувчи ўртасида 4 нусхада тузиладиган шартномада (кейинги ўринларда шартнома деб аталади) белгиланади.

Шартнома намунаси Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган тартибда тасдиқланади.

8. Олий тиббий таълим муассасалари битирувчилар учун йўлланмаларни тузилган шартнома асосида республика ҳудуди ва ҚВП ёки ОПни аниқ кўрсатган ҳолда расмийлаштиради.

9. Ўқишни тугатгандан сўнг магистратура ёки клиник ординатурага ўқишни давом эттириш учун кирган битирувчилар таълим шаклидан қатъий назар (давлат гранти ёки тўлов-контракт асосида) камида 3 йил (36 ой) мажбурий ишлаб бериш учун магистратура ва клиник ординатуранинг тамомлаганидан сўнг тақсимланади.

10. Олий тиббий таълим муассасаларининг бакалавриат йўналишида давлат гранти асосида таҳсил олган магистратура ва клиник ординатура битирувчилари Комиссия томонидан олий тиббий таълим муассасалари, илмий тадқиқот институтлари, ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари ва бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларининг ушбу мутахассисларга бўлган эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда тақсимланади.

Бунда Комиссия биринчи навбатда, магистратура ва клиник ординатура битирувчиларининг мажбурий ишлаб бериш учун ОП ва марказий туман (шаҳар) кўп тармоқли поликлиникалардаги мавжуд бўш ўринларга тақсимлайди.

### **3-боб. Битирувчиларни мажбурий ишлаб беришга қабул қилиш**

11. Битирувчилар ўқишни тамомлаганидан сўнг ушбу Низомга мувофиқ шартномада кўрсатилган иш жойига келиши ва 3 ой ичида меҳнат фаолиятини бошлаши шарт.

12. Олий тиббий таълим муассасаларининг бакалавриат йўналишида давлат гранти асосида таҳсил олган магистратура ва клиник ординатура битирувчилари ўқишни тамомлагач, шартномада кўрсатилган иш жойига келиши ва 3 ой ичида меҳнат фаолиятини бошлаши шарт.

13. Иш берувчи шартномага мувофиқ ва ишга йўлланма асосида битирувчи билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меҳнат шартномаси тузади.

14. Иш берувчи битирувчи томонидан тақдим этилган ишга келгани ва жойлашгани ҳақидаги ҳужжатни тўлдиради ва кейинчалик уни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва тегишли олий тиббий таълим муассасасига тақдим этиш учун ўн кун муддат ичида соғлиқни сақлаш бошқармасининг ҳудудий органига юборади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва олий тиббий таълим муассасаси Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги белгилаган тартибда ҳар бир битирувчи ҳисобини юритиб бориши шарт.

Бунда танлов асосида қабул қилинадиган лавозимларга мажбурий ишлаб бериш учун юборилган битирувчилар танловсиз қабул қилинади.

15. Уч йиллик мажбурий ишлаб бериш муддати қуйидагиларни ўз ичига олади:

ҚВП ва ОПда шартномада кўрсатилган ишлаш муддати - олий тиббий таълим муассасаларининг бакалавриат йўналишида давлат гранти асосида таҳсил олган битирувчилари учун;

шартномада кўрсатилган тиббиёт муассасаларида ишлаш муддати - олий тиббий таълим муассасаларининг бакалавриат йўналишида давлат гранти асосида таҳсил олган магистратура ва клиник ординатура битирувчилари учун;

меҳнат таътилида бўлиш муддати.

Ижтимоий меҳнат таътили муддати уч йиллик мажбурий ишлаб бериш муддатига киритилмайди.

16. Битирувчининг мажбурий ишлаб бериш жойида белгиланган муддат тугагандан сўнг ишни давом эттириш ҳақидаги масала меҳнат қонунчилигига мувофиқ иш берувчи ва ишчи ўртасида ўзаро келишувга асосан ҳал этилади.

17. Иш берувчи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мутахассислар меҳнатини рағбатлантириш ва уларнинг лавозимга кўтариш, илмий фаолиятини олиб бориши учун шароитлар яратиш чораларини кўради.

#### **4-боб. Битирувчиларнинг мажбурий ишлаб бериш жойини ўзгартириши ёки ишлаб беришдан бош тортиши**

18. Ушбу Низомга мувофиқ мажбурий ишлаб бериш учун тақсимланган битирувчининг ишлаб бериш жойини ўзгартириши учун жиддий сабаблар юзага келса, турмуш курса, доимий яшаш учун бошқа ҳудудга кўчиб ўтса, битирувчи мажбурий ишлаб бериш жойини ўзгартириш учун Комиссияга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга буни тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этади.

Комиссия ўн беш кун ичида битирувчининг мурожаати ва тақдим этилган тасдиқловчи ҳужжатларни кўриб чиқиш натижалари бўйича битирувчи учун ушбу Низом талабларига мувофиқ бошқа мажбурий ишлаб бериш жойини белгилайди.

19. Битирувчи мажбурий ишлаб беришдан бош тортган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига олий тиббий таълим муассасаси томонидан талаба ўқишни битиргани ҳақида тегишли буйруқни чиқарган вақтда амалда қўлланилган энг кам иш ҳақининг тўрт юз баробари миқдорида компенсация тўлайди.

20. Ушбу Низомга мувофиқ мажбурий ишлаб бериш учун тақсимланган битирувчи ишлаб бериш муддати давомида шартномада кўрсатилган жойда мажбурий ишлаб беришни ўз хоҳишига кўра рад этса, у Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига Низомнинг 19-бандида кўрсатилган ва ишлаб берилган муддатга мос равишда камайтирилган миқдорда компенсация тўлайди.

Компенсация миқдорини ҳисоб-китоб қилишда мажбурий ишлаб бериш муддатларининг фақат тўлиқ ойлари ҳисобга олинади.

21. Битирувчи мажбурий ишлаб беришдан бош тортишни расмийлаштириши учун Комиссияга тегишли ариза билан мурожаат қилиши керак. Бунда битирувчи Комиссияга ариза тақдим этган сана ушбу Низомнинг 20-бандига мувофиқ мажбурий ишлаб беришдан бош тортиш санаси деб ҳисобланади.

22. Мажбурий ишлаб беришдан бош тортган битирувчи билан меҳнат шартномаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бекор қилинади.

23. Битирувчи мажбурий ишлаб беришдан бош тортиш билан боғлиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига тўлайдиган компенсация миқдорини у давлат гранти бўйича таҳсил олган олий тиббий таълим муассасасининг бюджетдан ташқари ғазначилик шахсий ҳисоб-рақамига тўлиқ ҳажмда тўлайди.

24. Олий тиббий таълим муассасаси компенсациялар суммаси ҳисобини бюджетдан ташқари алоҳида ғазначилик шахсий ҳисоб-рақамида юритади ва шахсий ҳисобрақамга компенсация тушгандан сўнг уч иш кунидан кечиктирмасдан компенсация суммасининг Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети даромадига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўтказилишини таъминлайди.

25. Ушбу Низомга мувофиқ мажбурий ишлаб бериш учун тақсимланадиган битирувчи меҳнатга лаёқатсизлиги туфайли мажбурий ишлаб беролмаган ҳолатларда унинг кейинги меҳнат фаолияти тўғрисидаги қарор Комиссия томонидан белгиланган тартибда қабул қилинади.

Меҳнат лаёқатини қисман ёки тўлиқ йўқотгани сабабли (тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлганда) мажбурий ишлаб бериш имкониятига эга бўлмаган битирувчилар Комиссия қарори асосида компенсация тўлашдан озод этилади.

#### **5-боб. Яқунловчи қондалар**

26. Олий тиббий таълим муассасаси битирувчига дипломнинг асл нусхасини у мажбурий ишлаб бериш муддатини тамомлаганидан сўнг бир ҳафта муддатда меҳнат дафтарчасидаги ёзув ва битирувчи мажбурий ишлаб берган муассасанинг ёзма тасдиғи асосида беради.

27. Ушбу Низомга мувофиқ мажбурий ишлаб бериш учун тақсимланадиган ва мажбурий ишлаб беришдан бош тортадиган битирувчиларга олий тиббий таълим муассасаси олий маълумот тўғрисидаги дипломнинг асл нусхасини мазкур Низом талабларига мувофиқ улар компенсацияни тўлиқ миқдорда тўлагандан сўнг беради.

28. Олий тиббий таълим муассасасига давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинган, лекин ўқиш даврида (талабалар сафидан чиқарилгандан сўнг қайта тикланган, ўз хоҳишига кўра бошқа олий тиббий таълим муассасасига кўчирилган) таълимнинг тўлов-контракт шаклига ўтказилган талабалар ўқишни тамомлагач, мажбурий ишлаб бериш учун ушбу Низомга талабларига мувофиқ тақсимланади.

29. Ушбу Низом талабларини бузишда айбдор шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2017 йил 27 сентябрдаги  
769-сон қарорига  
2-илова

**Олий тиббий таълимнинг («Соғлиқни сақлаш» таълим соҳаси) бакалавриат таълим йўналишлари ўқув режалари тузилмаси**

1. Даволаш фаолияти билан боғлиқ таълим йўналишлари учун \*:

№	Фан блоклари номи	Соатлар ҳажми (%)
1	Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар	5-7%
2	Клиника олди фанлари	20%-25%
3	Клиник фанлар	60%-65%
4	Қўшимча фанлар	3%-7%
5	Танлов фанлари (1-го, 2-, 3-блок фанлари учун) (регионал компонент)	3%-7%
<b>Всего:</b>		<b>100%</b>

\*) Бакалавриат таълим йўналишлари: 5510100 – Даволаш иши, 5111000 – Касбий таълим (даволаш иши), 5510800 – Ҳарбий тиббий иш (даволаш иши), 5510200 – Педиатрия иши, 5510400 – Стоматология, 5510700 – Олий ҳамширалик иши.

Даволаш фаолияти билан боғлиқ бакалавриат таълим йўналишлари ўқув режаларига биринчи курсдан клиник фанлар бўйича 50% назарий ва 50% амалий ўқитиш тизими ҳамда клиник амалий кўникмаларни эгаллаш бўйича фанларни киритиш назарда тутилади.

2. Даволаш фаолияти билан боғлиқ бўлмаган бакалавриат таълим йўналишлари учун \*\*:

№	Фан блоклари номи	Соатлар ҳажми (%)
1	Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар	8-10%
2	Математик ва табиий-илмий фанлар	10%-15%
3	Умумқасбий фанлар	55%-60%
4	Махсус фанлар	10%-15%
5	Қўшимча фанлар	3%-7%
<b>жами:</b>		<b>100%</b>

\*\*\*) Бакалавриат таълим йўналишлари: 5510500 – Фармация, 5111000 – Касбий таълим (фармация), 5510600 – Саноат фармацияси, 5510300 – тиббий-профилактика иши, 5510900 – Тиббий-биологик иш.



Вазирлар Маҳкамасининг  
2017 йил 27 сентябрдаги  
769-сон қарорига  
2а-илова

**Олий тиббий таълимнинг («Соғлиқни сақлаш» таълим соҳаси) магистратура  
мутахассисликлари ўқув режалари  
тузилмаси**

	<b>Блоклар номи</b>	<b>* даволаш фаолияти билан боғлиқ магистратура мутахассисликларининг соатлар ҳажми (%)</b>	<b>** даволаш фаолияти билан боғлиқ бўлмаган магистратура мутахассисликларининг соатлар ҳажми (%)</b>
1	Умумметодологик фанлар	10-20%	20-30%
2	Мутахассислик фанлари	65-75%	50-60%
3	Танлов фанлари	10 – 15%	10-15%
	<b>жами</b>	<b>100%</b>	<b>100%</b>

\*) Даволаш фаолияти билан боғлиқ бакалаврият таълим йўналишлари базасидаги магистратура мутахассисликлари учун.

\*\*) Даволаш фаолияти билан боғлиқ бўлмаган бакалаврият таълим йўналишлари базасидаги магистратура мутахассисликлари учун.

Даволаш фаолияти билан боғлиқ бакалаврият таълим йўналишлари базасидаги магистратура мутахассисликлари рўйхати Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.